

БОЛАЛАР СОҒЛИҒИНИ АСРАНГ**Рахматова М. У**

Зоология кафедраси катта ўқитувчиси

Боланинг овқат ҳазм қилиш системаси унинг марказий нерв системаси ҳолатига, бутун организмнинг ўсиши ва ривожланишига боғлиқ бўлган қатор хусусиятларга эга. Овқат ҳазми оғиз бўшлиғидаёқ бошланиб, бу ерда овқат майдаланади ва сўлак билан аралашади. Сўлак таъсирида овқатдаги крахмалнинг кўп қисми эрийди ва кейинги парчаланишга тайёр бўлади. Овқат оғиз бўшлиғидан қизилўнғач орқали меъдага тушади. Ёш болаларда меъдага кириш йўли тўла беркилмайди ва нозик бўлади.

Шунинг учун ёш бола эмганини осонгина қайтариб ташлайди. Ошқозонда меъда шираси таъсирида крахмал парчаланади ва овқат оқсилларининг дастлабки парчаланиши содир бўлади. Болалар ичаги яхши ривожланган бўлиб, катта одамнинг ичагидан бирмунча узунроқ бўлади. Ишланган овқат ингичка ичакнинг ички юзаси майда сўрғичлардан ташкил топган шиллиқ пардада осон сўрилади. Болалар ичагининг ўзига хос хусусияти шуки, унинг шиллиқ пардасидан охиригача ҳазм бўлмаган овқатлар ва микроблар осон ўтади. Меъда – ичак йўли касалликларида ёки каттиқ таъсирланишда перистальтика кучаяди, натижада боланинг ичи тез-тез суюқ келади, чунки бунда овқатнинг суюқ қисми ичакда сўрилиб улгурмайди. Овқат ҳазм қилиш аъзоларига жигар ҳам киради. Жигар касаллик пайтида ҳосил бўладиган захарли моддаларни зарарсизлантиради ва уларни организмдан чиқаради ҳамда ўзи орқали ўтаётган қонни организм учун зарур бўлган моддалар билан таъминлайди. Қон озиқ моддаларни организм ҳужайраларига етказиб беради, улар ичида моддалар алмашинуви содир бўлади, яъни ҳужайра қондаги озиқ моддаларни ҳазм қилади ва ишлаганларини унга беради.

Болаларнинг ўсаётган организми овқатнинг учдан бир қисмини тана тузилишига сарф қилади. Шунинг учун ҳам бола овқат билан етарли миқдорда оқсиллар, ёғлар, углеводлар, тузлар ва витаминлар олиши керак. Оқсиллар тез ўсаётган организм ҳужайраларининг қурилишига сарфланади. Ёғларнинг бир қисми тери ости қатламида йиғилади, бир қисми эса углеводлар билан бирга организмда ёнади. Организмда улар углеводлар каби иссиқлик манбаи ҳисобланади ва мускулларга куч беради.

Бола организми тўхтовсиз ўсиб, ривожланади. Овқатланиш қоидалари бузилиши натижасида ҳазм қилишнинг аҳоли оғир бўлиб қолиши мумкин. Болалар соғлиғига ва ҳаётига хавф соладиган касалликлар орасида ўткир ичак инфекциялари асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўткир ичак инфекциялари орасида болалар дизентерия, сальмонеллёз, коли-инфекциялар, ич терлама (қорин тифи), паратиф А ва В кўп учрайди. Бу юқумли касалликларнинг ҳар бирини маълум кўзгатувчи пайдо қилади. Деярли ҳамма ичак инфекцияларида бактериялар организмга оғиз орқали тушади. Кўпгина ичак инфекциялари, дизентерия, қорин тифи, вабода одам, баъзи бирларида эса ҳам одам, ҳам ҳайвонлар (сальмонеллёзда) касаллик манбаи ҳисобланади. Бактериялар атроф муҳитга одамнинг ахлати, сийдиги, қусуғи, сўлаги билан ажралади. Касалликлар бемор ажралмалари билан ифлосланган озиқ-овқат маҳсулотлари, сув, касалнинг буюмлари, ўйинчоқлар, кийим-кечаклар, ўрин-кўрпа жилдлари ва бошқалардан юқади.

Ичак инфекцияларини тарқатишда пашша катта роль ўйнайди. Ўткир ичак инфекциялари билан ҳамма ёшдаги одамлар касалланади, лекин ёш болалар учун айниқса хавфли бўлади. Уч ёшгача бўлган болалар организми ўткир ичак инфекцияси кўзгатувчиларига жуда ҳам сезгир. Ичак инфекцияларида асосан меъда ичак йўли шикастланади ва организм умумий захарланади. Микроб захари (токсинлар) таъсирига бола организми ҳимоя реакциялари – қусиш ва ич кетиш билан жавоб қилади. Бунда бола кўп суюқлик, у билан бирга калий ва

натрий тузларини йўқотади, оқибатда организм сувсизланади ва моддалар алмашинуви нихоятда бузилади.

Бунинг натижасида қон айланиши ва юрак – томир ҳамда нерв тизимлари фаолияти оғир бузилиб, ҳатто бола нобуд бўлиши мумкин. Масалан бемор касалликнинг биринчи кундаёқ юқумли бўлади. Дизентериянинг яширин ва енгил турлари билан оғриётган одамлар жуда хавфли бўладилар, чунки уларда касалликнинг клиник белгилари суст юзага чиқади. Шу сабабли, улар врачга бормай инфекция тарқатиб юраверишади. Инфекция кўзгатувчилари атрофдаги буюмларга кийим – кечакка, ўйинчоқларга, идиш – товоққа ва бошқаларга тушиб, улар орқали болаларга юқади. Инфекция эмизикли болага дизентерия билан оғриётган онадан ёки уни парвариш қилаётган одамдан ўтади. Микроблар организмга кўпинча овқат билан тушади. Ана шу микроб билан зарарланган овқатни еган одамларнинг кўрчилиги касалланиб қолиши мумкин. Кўзгатувчи организмга тушиб, касалликнинг биринчи аломатлари пайдо бўлгунча орадан яширин давр, бир неча соатдан 7 кунгача, кўпинча 2-3 кун ўтади. Дизентерияда асосан умумий захарланиш рўй бериб, йўғон ичак яллиғланиб, қоринда бот-бот оғриқ туради, қон ва шиллик аралаш тез-тез ич кетади.

Касалликнинг оғир турида иситма тезда 39-40 ° гача кўтарилади ва бемор ҳадеб қусаверади, ҳушидан кетиб алаҳлайди, талваса тутати. Қорни бураб оғрийди. Суткасига 20-30 марта ва ундан кўп ич кетиши, тўғри ичак тушиши мумкин. Бемор тезлик билан даволанмаса, организм тобора сувсизланиб боради, боланинг кўзлари киртайиб, тили ва териси қурийди, озиб кетади. Юрак томирлар системасида рўйирост ўзгаришлар рўй бериб, қон босими пасаяди, жига рва талоғи катталашади. Дизентериянинг ўртача оғир турида касаллик ўткир бошланади. Иситма 38-39°гача чиқади. Бола беҳол бўлиб, иштаҳаси пасаяди, кўпинча қўнгли айнайди, қусади, қорни тутиб-тутиб оғрийди, тез – тез ҳожатга боргиси келади, кучанади, тўғри ичаги оғриб азоб беради. Касалликнинг 1-2 кун охирида ичи шиллик аралаш суюқ келади.

Ахлатида йиринг парчалари ва ипир-ипир қон бўлади. Касаллик хайрли кечганда 4-5 кундан кейин иситма тушиб, 10-15 кундан сўнг у соғаяди. Болаларга врач маслахатисиз антибиотиклар бериш мумкин эмас. Ноўрин муолажа оғир асоратлар бериши мумкин. Болага ҳар галгидан кўпроқ суюқлик ичириш керак. Болангизни тез-тез эмизинг. Агар болангиз эммаса сутли овқатлар хилини кўпайтириш зарур, лекин сутни тенг миқдордаги сув билан суюлтириш керак. Болага ёвғон хўрда, шўрва ,суюқ чой,мева шарбатлари ҳамда яхшилаб тайёрланган тузли шакар эритмалари бериш мумкин. Икки ёшгача бўлган болалар ҳар сафар ичи кетгандан кейин тахминан 50-100 мл ¼- ½ стакан суюқлик ичиши керак. Болани асло оч қўйманг чунки қолдан тойиб қолиб, аҳвол оғирлашади. 4 ойлик ва кўкракдан ажратилган, бундан катта болалар ичи кетганда қуюқ овқат ейиши керак. Бемор болага сувда қайнатилган гуруч, бўтқалар, шўрвалар, сут маҳсулотлари, тухум, балиқ ва яхшилаб тайёрланган гўшт бериб туринг. Овқатга озгина ҳайвон ёғи ёки ўсимлик мойи ишлатса бўлади. Маълумки ич кетганда организм озиқ моддаларни яхши ўзлаштира олмайди, шунга қарамай уларнинг кўп қисми ҳазм бўлади. Ич кетиши тугагандан кейин болани бир ҳафта ичида ҳар галгидан бир марта кўп овқатлантиринг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Сихат-саломатлик журнали
2. Саломатлик энциклопедияси
3. Eshnazarov, K. (2020). Meloydoginosis on vegetable crops in Surkhandarya region. Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR), 9(11), 29-32.
4. Эшназаров, К., & Рахматуллаев, Б. А. (2018). АНАЛИЗ ФАУНЫ ПАРАЗИТИЧЕСКИХ НЕМАТОД ТОМАТА И ОГУРЦА В РАЗЛИЧНЫХ УСЛОВИЯХ АГРОЦЕНОЗА. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 31.

5. Рахматуллаев, Б. А., & Эшназаров, К. (2018). ИСПЫТАНИЕ РАСТИТЕЛЬНЫХ ОТХОДОВ, КАК СРЕДСТВО БОРЬБЫ С ГАЛЛОВЫМИ НЕМАТОДАМИ. ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ АХБОРОТНОМАСИ, 20.
6. Эшназаров, К. (1995). Паразитические нематоды овощных культур и меры борьбы с галловыми нематодами в Сурхандарьинской области.
7. Eshnazarov, K. (2024). Characteristics of Spreading of Blood Nematodes in Vegetable Crops in Greenhouses of Surkhondaryo Region. *Miasto Przyszłości*, 46, 375-378.
8. Karim, E. (2023). SURXONDARYO VILOYATI ISSIQXONALARIDA BO'RTMA NEMATODALARINING TARQALISHI. *Scientific Impulse*, 1(9), 425-429.
9. Eshnazarov, K., & Abdullaev, Z. (2022). MELOIDOGINS AND MELOIDOGYNOSIS OF VEGETABLE CROPS IN THE SURKHANDARYA REGION.
10. Eshnazarov, K. (2020). Sources, Ways and Methods Of Distribution Of Gallow Nematodes On Vegetable Crops In Surkhandarya Region. *The American Journal of Applied sciences*, 2(11), 57-61.
11. Eshnazarov, K., Rakhmatullaev, B. A., Mamarazhabova, M. T., & Raimov, S. K. (2023). Analysis of the Fauna of Parasitic Nematodes of Tomato and Cucumber in Different Conditions of Agrocnosis. *International Journal of Biological Engineering and Agriculture*, 2(12), 235-238.
12. Rakhmatullaev, B. A., Eshnazarov, K., Mamarazhabova, M. T., & Raimov, S. K. (2023). Free-Living and Phytoparasitic Nematodes in the Degrez Reservoir. *International Journal of Biological Engineering and Agriculture*, 2(11), 152-155.
13. Raimov Shakhboz, K., & Jorayev Talib, O. (2023). Fauna of Vegetable Crops Parasitic Phytonematodes (In the Example of Greenhouse Conditions). *International Journal of Biological Engineering and Agriculture*, 2(11), 141-143.
14. Himmatov, N., & Raimov, S. (2024). Systematic Analysis of Phytonematodes in Wheat Plants. *International Journal of Biological Engineering and Agriculture*, 3(02), 58-63.
15. Kurbanmuratovich, R. S. (2024). Ecology of Nematodes and their Distribution in the Organs of Plants Detected Wheat in the Surkhandarya Region. *World of Medicine: Journal of Biomedical Sciences*, 1(4), 11-14.
16. Ma'suma, R., & Shakhboz, R. (2024). Abu Ali Ibn Sino-A Communist Scientist Who Has Made a Great Contribution to World Culture. *World of Medicine: Journal of Biomedical Sciences*, 1(3), 18-20.
17. Rakhmatullaev, B. A., & Raimov, S. K. (2024). The Significance of Water Reservoirs in the Spread of Nematodes in Crop Fields. *World of Medicine: Journal of Biomedical Sciences*, 1(1), 36-39.
18. Qurbonmuratovich, R. S., & Qizi, E. G. A. (2022). ISSIQXONALARDA SABZAVOT EKINLARI PARAZIT NEMATODALARI VA ULARNING POPULYATSIYASINI BOSHQARISHDA QARSHI KURASH METODLARI. *Ta'lim fidoyilari*, 24(17), 2-109.
19. Тангиров, Х. Т. (2017). ГЕЛЬМИНТОФАУНА (ACRIDOTHERES TRISTIS) ИНДИЙСКОМ СКВОРЦЕ В УСЛОВИЯХ ПРЕДГОРНЫХ И ГОРНЫХ ЗОНАХ УЗБЕКИСТАНА. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (4-6), 40-43.
20. Тангиров, Х. Т., & Баратова, Б. Т. (2015). ИНВАЗИЯ ГЕЛЬМИНТАМИ ПТИЦ В ЗАВИСИМОСТИ ОТ ТРОФИЧЕСКИХ СВЯЗЕЙ. *Редакционная коллегия*, 19.
21. Kabilov, T. K., Ikramov, E. F., & Tangirov, K. (1991). Influence of anthropogenic factors on the systems helminth-intermediate host-final host in Uzbekistan.

22. Kabilov, T. K., Davlatov, N., Ulugova, S., & Kh, T. (1990). [Worm infestation of vertebrates as dependent on age of hosts [Cattle, sheep, mice, hedgehogs]]. [Russian]. *Uzbekskij biologicheskij zhurnal*.
23. Kabilov, T. K., Davlatov, N., Ulugova, S., & Tangirov, K. (1990). Dependence of helminth infection rates in vertebrates on host age.
24. Бегматов, А. М., & Рахматова, М. У. (2016). АНТЭКОЛОГИЯ *CHRYSANTHEMUM CORONARIUM* L. Актуальные научные исследования в современном мире, (11-3), 9-14.
25. Бегматов, А. М., & Рахматова, М. У. (2016). АНТЭКОЛОГИЯ *MURABILIS ODORATA* L. Актуальные научные исследования в современном мире, (11-3), 15-17.
26. Бекмурадов, А. С., & Рахматова, М. У. (2018). Результаты изучения распространения фауны фитонематод гранатовых агроценозов Сурхандарьинской области Узбекистана. *Universum: химия и биология*, (11 (53)), 5-9.
27. Рахматова, М. У., & Бекмурадов, А. С. (2018). Результаты изучения распространения фауны фитонематод гранатовых агроценозов Сурхандарьинской области Узбекистана. *Universum: химия и биология: электрон. научн. журн*, 11, 53.
28. Рахматова, М. У., Хафизова, С. О., & Нурматов, Р. Т. (2020). СПОСОБНОСТЬ И МАСТЕРСТВО ЛИДЕРА КЛАССА В РАЗВИТИИ КЛАССНОГО СООБЩЕСТВА. *Экономика и социум*, (2 (69)), 320-322.
29. Bekmurodov, A. S., & Raxmatova, M. U. (2020). Ecological Grouping Of Phytonematodes Of Pomegranate Agrocenoses Of The Surkhandarya Region Of Uzbekistan. *The American Journal of Applied sciences*, 2(11), 167-171.
30. Raxmatova, M. (2021). БОЛАЛАРНИ КЎКРАК СУТИ БИЛАН БОҚИШ ХАҚИДА ОНАЛАРНИНГ ХАБАРДОРЛИК ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ. *Архив исследований*.
31. Mamatkulovich, B. A., Umarovna, R. M., & Ahmad, M. (2021). Morphobiological Properties of *Iris Pseudacorus* L. In Termiz City. *Texas Journal of Agriculture and Biological Sciences*, 1, 1-3.
32. Raxmatova, M. U., & Jalilov, J. J. (2022). Features of primary disability in persons different ages.
33. Raxmatova, M. U., & Jalilov, J. J. (2022). Features of primary disability in persons different ages. Rakhmatullaev, B. A. (2021). SYSTEMATIC ANALYSIS OF PHYTONEMATODES OF HARA PLANTS (*Chara fragilis*) IN THE SOUTH SURKHAN RESERVOIR. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 2(2), 115-120.
34. Рахматуллаев, Б. А., & Арамова, Г. Б. (2022). ҚИРҒОҚ БЎЙИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ПАРАЗИТ НЕМАТОДАЛАР БИ-ЛАН ЗАРАРЛАНИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ. «ЖАНУБИЙ ОРОЛБЎЙИ ТАБИЙ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ» Х РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ МАТЕРИАЛЛАРИ, 124.
35. Рахматуллаев, Б. А., Туробова, Н. Р., & Кучбоев, А. Э. (2022, October). ОҚ ТЕПА СУВ ОМБОРИ НЕМАТОДАЛАР ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ. In *INTERNATIONAL CONFERENCE DEDICATED TO THE ROLE AND IMPORTANCE OF INNOVATIVE EDUCATION IN THE 21ST CENTURY* (Vol. 1, No. 4, pp. 234-239).
36. Рахматуллаев, Б. А., & Туробова, Н. Р. (2023). ОҚ ТЕПА СУВОМБОРИДА УЧРОВЧИ НЕМАТОДАЛАРНИНГ БИОИНДИКАТОРЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ. *THE THEORY OF RECENT SCIENTIFIC RESEARCH IN THE FIELD OF PEDAGOGY*, 1(8), 73-75.

37. Рахматуллаев, Б. А. (2023). ТЎПАЛАНГ СУВОМБОРИДА ЭРКИН ЯШОВЧИ НЕМАТОДАЛАР ФАУНАСИ ВА ЭКОЛОСИЯСИ. *Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar*, 1(2), 261-264.
38. Рахматуллаев, Б. А., & Улуғова, Н. Б. (2023). ОҚ ОСТОНА СУВОМБОРИДА УЧРОВЧИ ҚЎҒА (*Typha latifolia*) ЎСИМЛИГИ ФИТОНЕМАТОДАЛАРИНИНГ ФАУНИСТИК ТАҲЛИЛИ. *Biologiyaning zamonaviy tendensiyalari: muammolar va yechimlar*, 1(2), 265-267.
39. Rakhmatullaev, B. A., & Raimov, S. K. (2024). The Significance of Water Reservoirs in the Spread of Nematodes in Crop Fields. *World of Medicine: Journal of Biomedical Sciences*, 1(1), 36-39.
40. Рахматуллаев, Б. А., & Бекмуродов, А. С. (2014). Фауна свободноживущих нематод Южно-Сурханского и Учкизильского водохранилищ. *The Way of Science*, 14.
41. Tangirov, K., Tangirova, N., & Rakhmatullayev, B. A. (2022). Biodiversity of Bird Helminths in Natural and Transformed Biocenoses of Uzbekistan. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2405-2406.
42. Mamatkulovich, B. A., & Umarovna, R. M. (2022). BIOLOGY OF CULTIVATION OF STEVIA *Rebaudiana bertonii* PLANT IN UZBEKISTAN. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 3188-3193.
43. Sattorovich, B. A., & Baxtiyorovna, A. G. Phytonematodes of the Apricot (*Prunus Armeniaca*) in the Southern Regions of the Surkhandarya Region of Uzbekistan. *JournalNX*, 7(12), 47-49.
44. Akvarovich, S. S., & Sattorovich, B. A. (2021). Rosehip phytonematodes (*rosa canina* l.) in the northern regions of the surkhandarya region of Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(12), 875-877.
45. Akvarovich, S. S., Bozorovna, X. N., & Sattorovich, B. A. (2022). Fauna and distribution of phytonematodes of some medicinal plants in the surkhandarya region of uzbekistan.
46. Sattorovich, B. A., Tilakovna, M. M., & Anvarovna, S. E. Distribution of Phytonematodes Representatives of the Order Tylenchida (Filipjev, 1934) Thorne, 1949 in the Apple Orchards of the Surkhandarya Region of Uzbekistan. *JournalNX*, 7(12), 42-46.
47. Anvarovna, S. E., Tovoshovna, N. S., & Sattorovich, B. A. (2022). Ecological Grouping of Nematodes of Nut Crops in the Surkhandarya Region of Uzbekistan. *The Peerian Journal*, 13, 108-111.